

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

10/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

Норматов Бекзод Ақром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети,
Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология
фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна –
психология фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари
доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт
бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари
доктори, профессор, Ўзбекистон миллий
университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар
доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар
доктори, доцент, Ўзбекистон миллий
университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари”** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Norbekov Ahmadjon Norbekovich

XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY

HOLATI 11-18

Eliboyev Ozodjon Po'lat o'g'li

BAQTIRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME'MORCHILIGI..... 19-23

Нуритдинова Нодира Сирожовна

XX-АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН

ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)..... 24-28

Чориев Шоҳрух Холтура ўғли

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ

СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА 29-38

Жумаева Шоира Бердияровна

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ 39-43

Jo'rayev Muxriddin Xasanovich

MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO'LLARI

GEOGRAFIYASI..... 44-51

Муқимова Рисолат Рустамжон қизи

ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР 52-56

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ

ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ 57-69

Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna

MINAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI 70-75

Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich

QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKTIV ZARURATI 76-86

Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ

ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ 87-92

Исламтудинова Дина Файзрахмановна

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ

УЗБЕКИСТАН 93-102

Qobiljon Isaev

O'ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A'ZO BO'LISHINI IQTISODIY

BAHOLASH 103-110

09.00.00 – FALSAFA FANLARI*Xaitov Elmurod Bekmurodovich*

O'ZBEKISTONDA "AHOLI HAYOT SIFATI"GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) 111-116

Расулов Зоҳиддин Усарович

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ХАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙЎНЛИГИ 117-122

Тавмурадов Жамшид Элмурадович

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС 123-128

Davronov Otabek Ulug'bek o'g'li

YUSUF QORABOG'IIY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROSI 129-132

Muxtorova To'tixon Solijonovna

FALSAFA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR VA AMALIYOTLAR 133-137

Akramov G'iyosiddin Najmiddinovich

MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLILI 138-142

Ahmedova Dilrabo

DINIY BAG'RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOIIY, MA'NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI IJTIMOIIY POTENSIALI 143-150

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Abdunabiyev Sunnat Botirovich*

IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA BERILISHI 151-159

Seytnazarova Injayim

ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TAHLILI 160-168

Tukhtakhodjaeva Zulfya

PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY 169-174

Abdusalamov Doniyor Togayali ogli

REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES 175-179

Axmedov Anvar Botirovich

TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR 180-184

Aminov Farrukh Komiljon Ugli

THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES 185-193

Sharipov Bobur Salimovich

RETSIPROKLI SEMANTIK DERIVATSIYA 194-201

Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna

ILMIY DISKURSNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 202-205

Samatov Farxod Muminovich

O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA "TV" SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO'Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) 206-210

Kendjayeva Zemfira

METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI..... 211-216

Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA «HID», «IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI 217-221

Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi

ALISHER NAVOIYNING "NASOYIM UL-MUHABBAT" TAZKIRASI VA SULAMIYNING "TABAQOT US-SUFIYA" ASARLARI O'RTASIDAGI MUSHTARAKLIKLAR 222-226

Шарапова Лола Станиславовна

ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА..... 227-232

Ҳакимова Мастура Файзиллаевна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) 233-239

Mo'soyeva Hayitgul O'roqovna

"HEART" – "YURAK" SO'ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI 240-245

Mamataliyeva Navbahor Xujamberdiyevna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI 246-250

Багаутдинова Ильмира Салаватовна

ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ 251-255

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich

EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN'S PUBLIC CIVIL SERVICE 256-268

Алиев Асилбек Кадирович

ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА 269-275

Hong Weixing

INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA 276-284

Султанова Сабохат Алишеровна

ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 285-290

Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi

O'ZBEKISTONNING AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLIY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI 291-298

Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи

ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИТЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ 299-304

Khalikov Khayot

THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN'S YOUTH 305-311

Даулетова Динара Даулетовна

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА.. 312-317

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Толипов Бахтиёр Хамитович

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ 318-324

Собирова Гулибарно Зайнитдин қизи

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ
РУССКОГО ЯЗЫКА 325-335

Xolmatova Ziroatxon Anvarovna

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA
INNOVATION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR 336-339

Abduxoliqov Sardor Safarovich

YOSH DZYUDUCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI
O'YINLARNING O'RNI 340-344

Usmonova Mohizoda Avazjon qizi

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI 345-348

Xodjiyeva Zumrad

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI 349-352

Turdiyev Ismoil Allayorovich

OLIY TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI
HAQIDA 353-358

Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI
RIVOJLANTIRISH METODLARI 359-364

Ishonkulov Sherali Sharifovich

TALABALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA RAQAMLI
DASTURLARDAN FOYDALANISH 365-372

Raxmatov Rafik G'ayratovich

IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK
IMKONIYATLARI 373-378

Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI
SHAKLLANTIRISH TAMOIYILLARI 379-383

Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) 384-387

Qodirov Mirjalol Tolmasovich

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY
TEKNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI 388-392

Karimova Aziza

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI 393-399

Nishonov Nodir Alimjanovich

BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI

RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI 400-404

Xidirova Durdona Muxtorovna

SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIMADANIY

MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEKANIZMLARI 405-408

Received: 10 December 2024
Accepted: 15 December 2024
Published: 25 December 2024

Article / Original Paper

THE EDUCATION SYSTEM IN THE TURKESTAN REGION AT THE BEGINNING OF THE XXTH CENTURY (BASED ON THE INSPECTION MATERIALS OF SENATOR K.K. PALEN)

Nuritdinova Nodira Siroovna

Tashkent State university of Economics

Abstract. This article examines Russian educational institutions and Muslim schools in the Turkestan region at the beginning of the 20th century, focusing on their administration, numbers, functions, and the range of subjects offered, based on the inspection materials of Senator K.K. Palen.

Keywords: Education, system, empire, administration, region, curriculum, senator, inspection, madrasa, school, class, subjects.

XX-АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Нуритдинова Нодира Сирожовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада XX -аср бошларида Туркистон ўлкасидаги таълим тизими сенатор К.К. Пален тафтиш материаллари асосида ёритилиб, ўлкадаги таълим муассасаларининг бошқарув жараёнлари, рус-тузем мактаблари, мадраса ва диний мактаблар фаолияти тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: таълим, тизим, империя, бошқариш, ўлка, ўқув дастурлари, сенатор, тафтиш, мадраса, мактаб, синф, фанлар, ўқув юртлари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N03>

Тарихдан маълумки, таълим-тарбия жамият ривожининг асосий унсурларидан бири бўлиб келган. Ҳар бир тарихий жараёнларда таълим-тарбия ўзига хос жамият тараққиёт босқичларидан келиб чиқиб ривожланиб борган. Ва бу ҳолат ҳозирги кунгача жамиятнинг тебратувчи омили сифатида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, “нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот билимда. Таълим-тарбия орқали биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришамиз[1]”. Таълим-тарбиядан, ўқиб ўрганишдан нажот топган ёшларнинг дунёқарашида фарқ бўлади, ишида ўсиш, шахсий ҳаётида тинчлик-осудалик бўлади. Бироқ ҳар бир соҳада тарихий жараёнларни таҳлил этмай туриб, ундан сабоқ олмай туриб тўғри хулосалар чиқариш мушкулдир. Дунёга юз тутиб келаётган давлатимиз суверенитети ва келажагини таъминлашимиз учун ҳам ўтмиш тарихни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Туркистон тарихини ўрганиш шундан гувоҳлик беради-ки, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ўлка хонликларининг сўнгги даврларида ҳукмдорлар томонидан йўл қўйилган жиддий хатоликлар, бошбошдоқлик, тахт учун курашлар оқибатида ўлка халқи таълими ўз ҳолига ташлаб қўйилди ва тизимли бошқарилмади. Натижада бутун Туркистон ҳудуди бўйлаб ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, ҳарбий инқироз юзага келди. Бир даврлар дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган Туркистонўлкаси қарам ҳудудга айлантирилди.

Мақолада XX-аср бошларида Туркистон ўлкасида таълим тизими жараёнларини сенатор К.К Пален томонидан олиб борилган текширувлар асосидаги материалларга суянган ҳолда танқидий ва таҳлилий ёндошув асосида ёритилади. Сабаби, сенатор К.К Пален томонидан олиб борилган текширув ҳужжатлари Туркистон ўлкасини тўлалигича мустамлакага айлантиришга ҳаракат қилган Чор Россияси томонидан ташкил этилган ва унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилганлиги боис ҳам ўша даврдаги аниқ фактик маълумотларни ўзида мужассам этган. Бу эса бизга ўша даврдаги ҳолатни танқидий, таҳлилий нуқтаи-назардан ўрганишимиз учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Чор ҳукумати Европа маданиятини минтақанинг туб аҳолисига сингдиришнинг энг самарали усули мактаб таълими эканлигини жуда яхши англаб олган эди. Россия империяси босқинининг дастлабки пайтлариданоқ рус аҳолисини Туркистон ҳудудига қўчириш сиёсати билан айна бир пайтда ўлкада рус мактаблари ҳам ташкил этила бошланди. Жумладан, 1867 йилда ташкил этилган 14 та қуйи мактабдан 12 таси Еттисув вилоятида, 2 таси эса Сирдарё вилоятида жойлашган эди. Еттисув вилоятидаги мактаблар дастлабки пайтларда фақат ўғил болалар учун мўлжалланган эди. Туркистон генерал-губернаторининг бу ерга ташрифидан кейин эса қиз болаларга таълим берадиган мактаблар ҳам очилди [2].

“Ўрта Осиёда Россия ва Англия” китобининг муаллифи М.А. Тереньев ўз ишида қуйидаги фикрни келтиради: “бегона миллатни қабул қилиш қамдан -кам ҳолларда динни сингдиришдан бошланади, аксинча бу ҳолат ҳукмронликни қўлга олиш учун тилни ўргатиш, шу билан бирга қонунчилик орқали бўйсундириш билан содир бўлади... Бунга замин тайёрлаш эса мактабдан бошланади. Қолайверса, ўз алифбомизни ҳам истеъмолга киритишимиз лозим” [3]. Ўз ҳукуматининг сиёсатини қўллаб-қувватловчи, содиқ хизматчиси сифатида сенатор К.К. Пален ҳам ўз текширувлари давомида Туркистон ўлкасида “туб аҳолига рус маданиятини сингдиришнинг дастлабки воситасибу - рус мактаблари” эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади [4]. Шу сабаби, К.К. Пален ўлкадаги таълим муассасаларини кўздан кечирав экан, уларнинг ўз олдига қўйган “юксак миссиясини” қай даражада бажара олганлигига алоҳида эътибор қаратади. Мазкур фаолият натижалари текширув ҳисоботларининг “Ўқув ишлари” деб номланган махсус тўпламида мужассамлаштирилиб, унда XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги таълим тизимининг барча жиҳатлари, жумладан: таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, таълим босқичлари, эришган натижалари ва мавжуд муаммолари кўриб чиқилган.

1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га кўра, бешта вилоят – Сирдарё в., Фарғона в., Самарқанд в., Еттисув ва Зарафшон вилоятларининг барча фуқаролик ва таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш

“генерал-губернаторга юклатилган” эди. У “Туркистон ўқув округининг ишончли вакили” бўлган, бироқ Халқ таълими вазирлиги томонидан ўз ҳуқуқлари анчагина чеклаб қўйилган ва у билан олдиндан келишмай туриб амалда мустақил қарорлар қабул қила олмас эди. Ўлкадаги таълим муассасалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ҳамда халқ таълими харажатлари сметасини тасдиқлаш, таълим муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ўқув дастурларини тайёрлаш устидан назоратни фақат Вазирлик амалга оширишга ҳақли эди[5]. Генерал-губернатор фақат биринчи-тўртинчи синф ўқитувчиларини ишдан бўшатиши ва ўзгартириши, вазирликка тақдирлаш учун ўқитувчилар рўйхатини тақдим этиши, хизмат жараёнидаги низоларни ҳал қилиши ва 300 рубл ичида жорий харажатларни тасдиқлаши ва ҳоказо мумкин эди.

Табиийки, таълимни бошқаришнинг бундай тизими самарали бўлиши мумкин эмас эди. Буни текширувчилар дарҳол пайқаганлар ва К.К. Пален ўз хулосаларида буни қуйидагича изоҳлайди: “мактаб ишларига мустақил имкониятсиз фаол аралашиш орқали мактабларни бошқариш фақат мавжуд мактаб ўқув бўлими раҳбариятининг масъулиясизлигига олиб келди”[6]. Ва бу ҳақиқатда шундай эди. Генерал-губернаторнинг ўзи бошқа хизмат вазифаларининг кўплиги туфайли бу муҳим соҳани ҳатто юқоридан қисқартирилган ҳолдаги рухсат этилган ваколатлар доирасида ҳам яқиндан бошқара олмаган. Шу боис, ўлкадаги таълим-тарбия ишларини умумтаълим мактаблари бош инспектори бошқарган. 1909 йилда бу лавозимни расмий амалдор эгаллаган. Ўлкадаги таълим муассасаларида ўтказилган текширувлар кўплаб камчиликларни аниқлаган бўлса-да, деярли ҳеч қандай натижа бермади; шу билан бирга, К.К. Паленнинг текширувлари ундаги хўжалик ва молиявий фаолиятда камомадларни, ўқитувчиларни танлаш бўйича ҳам бир қатор жиддий камчиликларни аниқлади.

Рус ва мусулмон бошланғич ўқув муассасаларини бошқариш халқ ўқув юртлари директорлари томонидан амалга оширилган. Улар билан бирга, Сирдарё вилоятида иккита инспектор (бири рус ва рус-тузем мактабларини, иккинчиси эса мусулмон мактабларини назоратга олган) бошқарган, қолган тўртта вилоятда эса биттадан инспектор бўлиб, унларга ҳудуддаги барча таълим муассасаларини назорат қилиш юкланган эди. Инспекторларнинг иш кўлами жуда кенг бўлган. Текширувлар олиб борилаётган ҳамда 2 нафар инспектор бошқарувининг киритилиши жараёнида Сирдарё вилоятида 131 та бошланғич ҳамда юқори рус мактаблари ва 31 та мадраса мавжуд бўлган. Бошқа вилоятлардаги инспекторлар эса – Фарғона вилоятида 42 та рус мактаблари ва 219 та мадрасани, Самарқанд вилоятида -32 та рус мактаби ва 38 та мадрасани, Каспийорти ҳудудида - 54 та рус мактабларини, Еттисувда 140 та мадрасани бошқаришган. Шу тариқа, 6 нафар инспектор бошқарувида 349 та рус бошланғич мактаблари ва ўқув юртлари ҳамда 100 та мадраса бўлган. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда мингга яқин мусулмон мактаблари мавжуд бўлган[7].

Инспекторлар кераксиз иш юритиш билан ҳаддан ташқари юкланган бўлиб, уларнинг аксарият вақти давлат ёки хўжаликлар томонидан ҳар бир мактаб учун ажратилган маблағларнинг қандай сарфлаганлиги тўғрисида ҳисоботларни тўплашга сарфланар эди. Шунинг учун бу ҳисоботлар турли бўлимларга юборилган, шунингдек, Ўрта Осиё темир йўли ҳисобидан таъминланадиган темир йўл мактаблари ҳам мавжуд

бўлиб, уларнинг раҳбарияти учун ҳам бундай ҳисоботлар тайёрланар эди. Ҳали 1901 йилдаёқхалқ мактаблари инспекторларини бу вазифадан озод қилиш масаласи кўтарилган, аммо сенатор К.К. Пален таъкидлаганидек, 1909 йил охирига келиб ҳам бу масала ҳал этилмай қолиб кетган [8]. Буларнинг барчаси ҳудудий инспекторлар учун иш ҳажмининг кўпайишига олиб келган.

Шуни инобатга олиш керакки, ўлкадаги бошланғич таълим муассасалари ҳар хил турда - икки ва тўрт синфли мактаблардан иборат бўлган ҳамда икки ва тўрт синфли черков мактаблари, шу билан бирга шаҳар касб-ҳунар билим юртлари мавжуд эди. Улар турли хил дастурлар ва турли режимларда ишлардилар. Афсуски, К.К. Паленнинг текширув материалларида рус бошланғич мактабларида ва черков мактабларида ўқитиш дастурлари ҳақида маълумот деярли йўқ. Аммо Тошкентдаги Маринск икки йиллик аёллар билим юртида ўқитилган фанлар рўйхати мавжуд. У 1901 йил 5 сентябрда очилган. Унда черков илми, рус тили, арифметика, табиий фанлар, тарих, география, тикувчилик, расм чизиш ва қўшиқ айтиш каби фанлар ўргатилган. Ота-оналарнинг илтимосига биноан талабалар чет тилларни ўрганишлари ҳам мумкин бўлган. Ўқиш пуллик бўлиб йилига 15 рубл тўланиши лозим бўлган. Иккита чет тилини ўрганиш учун қўшимча 15 рубл, биртта бўлса 9 рубль тўланилиши белгилаб қўйилган [9].

Туркистон ўлкасида сенатор К.К. Пален раҳбарлигидаги халқ таълими тизимини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, мустамлака маъмуриятининг барча саъй-ҳаракатлари рус аҳолиси фарзандларини ўқитишга – бошланғич мактаблар, билим юртлари, гимназияларни ривожлантиришга қаратилган. Бунинг учун етарлича маблағ ажратилган, гарчи текширувлар шуни кўрсатдики, бошланғич рус мактабларида таълим сифати анча паст бўлган. Маҳаллий аҳолининг таълим муассасалари – мактаблар ва мадрасаларга келсак, ўлка раҳбарияти уларни молиялаштириш ва таълим жараёнини назорат қилишдан четлатилиб, буни мусулмон вакилларининг ихтиёрига қолдирган, айниқса, бу ўқув юртлари эски мактаб ва мадраса тизими асосида ўқитилиб, губернаторлик учун ҳеч қандай мафкуравий таҳдид солмаган.

Хулоса қилиб айтганда, сенатор К.К. Пален олиб борган тафтиш материаллари бизга XX -аср бошларида Туркистон ўлкасидаги таълим тизими ҳолатини кенгроқ ўрганишимиз имконини беради. Унга танқидий нуқтаи-назар билан ёндошган ҳолда XX -аср бошларида Туркистон ўлкасида олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг айнан маориф соҳасига, таълим тизимига бўлган муносабатини, мавжуд мактаблар, мадраса ва ўқув юртлари сони, улардаги ўқув жараёнлари, ўқитиладиган фанлар, рус-тузем мактаблари ва уларни бошқариш тизими тўғрисида кенг маълумот берувчи манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожааномаси 2023 йил январь
2. Жўраев Ҳ. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда мустамлака маъмурияти томонидан муассасаларининг ташкил этилиши //Жамият ва инновациялар. 2022
3. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. –СПб., 1875.- С. 345- 355.
4. Пален К.К. Учебное дело. - С. 145
5. Пален К.К. Всеподданнейшая записка... - С. 21.

6. Махмудова Н. Проблемы развития административного управления, социально-экономических культурных процессов в колониальном Туркестане в начале XX в. (по материалам ревизии сенатора К.К.Палена). Монография. 2015 Бухара,.-170 б.
7. Пален К.К. Городское управление. - С. 107.
8. Каримов Қ.С., Иброхимов С.М. Туркистон ўлкасида таълим тизими: мадрасалар фаолияти (XIX - XX АСР)// Замонавий таълим 2020

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).